

## МИРЗАЧҮЛ ВОХА АХОЛИСИГА ДОИР МАНБАЛАР (ҚҮЛЁЗМА АСАРЛАР, САЙЁХ ВА ЭЛЧИЛАР ҚАЙДЛАРИ, ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР, ДАЛА МАТЕРИАЛЛАРИ)

Жураев Илхом Баҳриддин ўғли

ГулДУ, Тарих кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7434340>

**Аннотация.** Уибу мақолада муаллиф Мирзачүл воҳаси ахолисининг этник таркибига доир манбаларни таҳлил қилиб бир қанча янги фикрларини бериб ўтади. Муаллифнинг фикрлари асосида шуни хулоса қилиши мумкинки воҳада аҳоли асосан ўтган асрнинг биринчи ярмида республиканинг турли ҳудудларидан кўчиб келиб ўзларининг манзилгоҳларини барпо этганлиги англашилади.

**Калим сўзлар:** Мирзачўл, Жиззах, Нурота, Бухоро амирлиги, Кўқон хонлиги, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ургут, форс, ўзбек, тоҷик, қирғиз, қозоқ, Ҳовос, Баёвут, Даҳмаи шоҳон, Аҳмад Доњиши.

## ИСТОЧНИКИ ПО НАСЕЛЕНИЮ МИРЗАЧОЛЬСКОГО ОАЗИСА (РУКОПИСИ, ЗАПИСКИ ПУТЕШЕСТВЕННИКОВ И ПОСЛОВ, ЭТНОГРАФИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ, ПОЛЕВЫЕ МАТЕРИАЛЫ)

**Аннотация.** В данной статье автор анализирует источники по этническому составу населения Мирзачельского оазиса и дает некоторые новые представления. Основываясь на мнении автора, можно сделать вывод о том, что население оазиса мигрировало из разных районов республики и установило свои поселения первой половины прошлого века.

**Ключевые слова:** Мирзачол, Джиззак, Нурота, Бухарский эмират, Коканское ханство, Самарканда, Шаҳрисабз, Ургут, персидский, узбекский, таджикский, киргизский, казахский, Ҳовос, Байовут, Даҳмайшахон, Аҳмад Доњиши.

## SOURCES ON THE POPULATION OF THE MIRZACHOL OASIS (MANUSCRIPTS, NOTES OF TRAVELERS AND AMBASSADORS, ETHNOGRAPHIC DATA, FIELD MATERIALS)

**Abstract.** In this article, the author analyzes the sources on the ethnic composition of the population of the Mirzachel oasis and gives some new ideas. Based on the opinion of the author, it can be concluded that the population of the oasis migrated from different regions of the republic and established their settlements in the first half of the last century.

**Keywords:** Mirzachol, Jizzakh, Nurota, Emirate of Bukhara, Kokan Khanate, Samarkand, Shakhrisabz, Urgut, Persian, Uzbek, Tajik, Kyrgyz, Kazakh, Khovos, Bayovut, Dahmaishakhon, Ahmad Donish.

Сўнгги ўрта асрларда, яъни яқин тарихда Мирзачўл воҳаси ва унинг атрофларидағи ҳудудлар бир қатор фарқли сиёсий жараёнларга саҳна бўлди. Аввало, воҳа жануб ва жануби-гарбдан Жиззах ва Нурота воҳаларига қўшнилиги туфайли Бухоро амирлиги (1753-1920) сиёсий таъсирида қолган бўлса, кейинчалик маълум бир муддат бу ҳудудда Кўқон хонлиги (1709-1876) таъсири кучаяди. Бу ҳудудларнинг гоҳ Бухоро, гоҳ Кўқон хонлиги таъсирида бўлиши воҳа ахолиси ижтимоий ва маданий ҳаётида ўзига хос из қолдирди. XIX асрнинг сўнгги чорагига келиб эса Мирзачўл воҳасининг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва воҳада империя бошқарувининг ўрнатилиши бу ер тарихида янгича жараёнларни бошлаб берди.

Мирзачўл воҳаси тарихининг бу даврлари тарихи асосан Бухоро ва Кўқон тарихнавислигига оид кўплаб қўлёзма асарлар, элчи, дипломат, сайёх, ҳарбий, шарқшунос ва ҳоказо каби рус муаллифларининг қайдлари ҳамда XIX аср охири – XX асрда йиғилган этнографик маълумотлар ва дала материалларида ўз ифодасини топган.

Ушбу манба ва материаллар орасида аввало Бухоро амирлиги тарихнавислигига хос айрим асарларга тўхталиб ўтсак. Амирлик тарихига оид қўлёзма асарлар асосан форс тилида ёзилган бўлиб, минтақа тарихи билан боғлиқ адабиётларнинг бир қисми Бухоро амирлигининг маҳаллий муҳитига тегишидир. Бухоро амирлигининг Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Ургут каби йирик шаҳарларида ёзилган форсий тилли асарлардаги тарихий маълумотлар асосан Бухоро амирлигининг марказий худудларидағи сиёсий воқеликларни қамраб олган бўлса-да, айрим ўринларда Нурота, Жиззах, Тошкент, Ўратепа, Хўжанд билан боғлиқ воқеликлар ёритилиши жараёнida Мирзачўл воҳасига тегишли айрим маълумотларга ҳам дуч келиш мумкин. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, XIX асрнинг катта бир қисмida Бухоро – Кўқон орасида юз берган воқеликлар баён қилинар экан ушбу воҳадаги айрим аҳоли масканларида бўлиб ўтган воқеликлар ҳам тилга олингани кўзга ташланади. Жумладан, Мулло Ибодулланинг “Тарихи амир Ҳайдар”, Муҳаммад Шарифнинг “Достони амирони манғит”, Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномаи султоний”, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақининг “Тожу таворих”, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар хонадони ҳукумдорлари тарихидан қисқача рисола”, Мирзо Содик Муншийнинг “Манғит ҳукмдорлари тарихи”, Мирзо Сомийнинг (1838-1907) “Дахмаи шоҳон” (Шоҳлар даҳмаси), “Туҳфат-ул шоҳий” (Шоҳга совға), “Тарихи салотини манғития” (Манғит султонлари тарихи) номли асарлари Бухоро амирлиги ва унга қўшни худудлар тарихини ёришда муҳим асарлар ҳисобланади[1].

Шунингдек, Мирзачўл воҳаси ва унга қўшни худудларнинг яқин тарихи бўйича муҳим манбалар сифатида Кўқон хонлиги муҳитига хос асарларни келтириш мумкин. Кўқон тарихчилари мактаби намояндалари асарларидан саналмиш Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтаҳаб ут-таворих» асари, Тожир Хўжандийнинг «Ғаройиби сипоҳ», Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг «Тарихи Туркистон»[2], Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин» («Кўқон хонлиги тарихи» номи билан нашр этилган)[3], Муҳаммад Юнус Тоибининг «Тарихи Алиқули амирлашкар» ва «Туҳфайи Тоиб» (), Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий»[4] номли асарлар чоп қилинган. Кўқон тарихчилари асарларининг турли тил ва жанрда яратилишига хонликнинг қўйидаги тарихий-сиёсий жараёнлари туртки бўлган. Кўқон тарихнависларининг асарларини тадқиқ қилган А. Ўринбоев ва О. Бўриев, Т. К. Бейсембиев, Э. Хуршут, Ш. Воҳидов ва Д. Сангирова, Ў. Султонов, Б. Турсунов, Ш. Маҳмудов ва С. Йўлдошевлар Кўқон хонлиги тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган бўлиб, ушбу тадқиқотчиларнинг бир қисми мазкур асарларнинг бир қисмини нашр қилганлар[6]. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу асарларнинг кўпчилигидаги маълумотлар Кўқон хонлигининг марказий худудлари – Фарғона водийсида бўлиб ўтган воқеликларни ўз ичига олган бўлиб, қўқонлик қўшинларнинг Хўжанд, Тошкент, Чимкент, Даҳти Қипчоқ худудларига ёки жануби-ғарбга – Жиззах воҳасига юришлари жараёнida чўл худуддан (Мирзачўл воҳасидан) ўтганликларига доир маълумотларни учратиш мумкин. Афсуски, Кўқон хонлиги муҳитида ёзилган форсий ва туркий тилли асарларда

Мирзачўл воҳаси аҳоли масканларига доир жуда қисқа маълумотлар ўрин олган бўлиб, улар асосида воҳанинг яқин ўтмиши бўйича муайян тасаввурларга эга бўлиш қийин.

Кўқон хонлиги муҳитига хос қўлёзма асарларнинг бир қисми чиғатой туркийси (эски ўзбек тили)да ёзилган бўлиб, уларда ҳам Мирзачўл воҳасидаги айrim аҳоли масканлари ҳакида қисқача маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида Кўқон хонларининг Фарғона водийси, Хўжанд ва Ўратепа вилоятлари, Тошкент воҳаси, Жиззах воҳаси, Туркистон шаҳри, Чимкенд ва Сайрам шаҳарларидаги фаолиятлари ҳакида сўз боргандা кўқонлик кўшинларнинг ушбу шаҳар ва вилоятларга йўл олганда Сирдарё ҳавзаларидан ўтганликларига бирмунча тўхталганига гувоҳ бўламиз. Масалан, асарда Кўқон хони амир Умархон (1787-1822) Жиззахга қўшин тортганда кўқонликлик кўшинларнинг бир муддат Ховосда бўлиб, ундан кейин Ём орқали Жиззахга йўл олганликлари қуидагича тилга олинади: “*Бул миёнада қорақалпоқ ва хитой-қипчоқ аҳволотидин воқиф ва огоҳ бўлуб, аларга шафқат ва марҳамат кўрсатиб, аҳволпурслик қилмоқ лозимдур, деганда ҳамма бил-имтифоқ бир маслаҳатга қарор бериб, эртаси Кўштегирмондин кўчуб, Хавос устига бориб қўнуб, эртаси Хавосдин жўнаб, эртаси Ём мавзейига қўнуб, эртаси андин жўнаб, Диззах устига етиб қўнубдур. Бир кеча ул мавзеда ётгандин кейин эртаси чоповул қўшунни то Самақканд тобиотигача буюруб, қолган қўшун илан Диззах муҳосарасига машгул бўлубдурлар*”[7].

Мирзачўл воҳаси маҳаллий аҳолисининг яқин ўтмишдаги урф-одатлари, қадимиј анъаналари, фольклори ва ҳоказоларни тадқиқ этишда манба сифатида этнографик маълумотлар ва дала материалларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу масалани ёритишда айниқса XIX аср охири – XX аср давомида йиғилган этнографик маълумотлар ва архив материалларига мурожаат қилишга тўғри келади. Шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошларида воҳада бўлган рус муаллифларининг қайдларида ҳам воҳа аҳолиси этнографиясига оид муҳим маълумотларга қўлга киритиш мумкин. Улар асосида воҳада яшаган ўзбек, қозоқ, қирғиз ва тожик халқларининг қадимиј урф-одатлари, турмуш тарзи, миллий анъаналари ва ҳоказолар ҳакида муайян тарихий тасаввурларга эга бўлиш мумкин.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Россия ҳукмрон доираларида Туркистонга бўлган қизиқиши минтақани изчил ўрганишга уннади. Бу даврда ёзилган асарлар ичida 1820 йилда Негри элчилик миссияси таркибида Бухорога келган Е. К. Мейендорф[8], 1833 йилда Бухорода татар мулласи Мирза Жаъфар номи билан тўрт ой яшаган П. И. Демезон[9], Бутенов элчилик миссияси билан 1841 йилда Бухоро амирлигига бўлган шарқшунос Н. Ханыков[10]ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаб ўтиш керак. Россиядан Ўрта Осиёга келган ҳар бир киши – элчилик миссияси аъзоси, савдогар, зобит ва бошқалар ҳукумат идораларидан махсус кўрсатмалар ва йўриқномалар олиб, уларда ўзбек хонликларида ижтимоий-сиёсий вазият, бошқарув тартиблари, коммуникация йўллари, шаҳарлар ва бошқа ҳарбий-стратегик масалаларга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланган[11].

1870- йилларда Бухоро амирлиги бўйича уюштирилган илмий экспедицияларда ўз даври учун муҳим этнографик маълумотлар йиғилган. Бухоро амирлигидаги маъмурӣ бирликлар бўйича XIX аср ўрталари – XX асрлар иккинчи ярми оралиғида А.Д. Гребенкин[12], А.П. Федченко[13], Л.Н. Соболев[14], А.П. Хорошхин[15] бошқалар

томонидан тўпланган маълумотлар Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида тутган ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиб, уларда Мирзачўл воҳаси тарихига оид айrim қайдларни учратиш мумкин.

Мирзачўл воҳаси ва унга қўшини худудлар аҳолисининг ижтимоий-маданий маиший ҳаётиша тегишли маълумотлар XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасига ташриф буюрган бир қатор хорижлик муаллифлар асаларида ўз аксини топган. Жумладан, Ю. Скайлер[16]каби Европа ва россиялик муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларда бу худудлар бўйича муҳим маълумотлар берилган. Жумладан, 1870- йилларда, яъни Қўқон хонлигининг деярли барча худуди, Бухоро амирлигининг эса сезиларли бир қисми Чор Россияси томонидан босиб олинган бир паллада Мирзачўл воҳаси орқали Фарғона, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига ташриф буюрган америкалик журналист Ю. Скайлер воҳа тарихи учун муҳим маълумотларни қайд этган. Муаллифнинг ёзишича: “... Дарё (Сирдарё)дан қарийб Жиззахгача саксон мил узоқликда қуруқ чўл ястанган бўлиб, руслар “Голодная” ёки “Мирзачўл” атасиб, гарчи бир-икки жойда шўр ҳамда ёқимсиз сувли қудук ва цистерналар бўлса-да, ҳозирда қуруқ ва унумсиз ер. Дарё яқинида эски канал ва ариқларнинг излари бўлиб, қачонлардир энг камида бу ерларга ишлов берилгани ва чўлнинг тоғлар яқинидаги қисмларида аҳоли истиқомат қилиб, меҳнат қилганлиги, кичик тоғ даралари орқали Зарафшон дарёсидан канал келтирилганлигини билдиради”[17]. Шу билан бирга, муаллиф Тошкентдаги амалдорлар (ҳар ҳолда рус амалдорлари бўлса керак – диссер.) Сирдарёдан ушбу чўл худудларга сув чиқариш ҳақида режалар борлиги, улар бу ернинг эски сув иншоотлари қолдиқларига қараб, бу борада муайян ишлар амалга оширишни ўйлаётганликларини таъкидлаб ўтади. Ю. Скайлер Мирзачўлдаги Малик мавзесидан йигирма мил узоқликдаги Мирза Работ деб номланувчи эски карvonсаройларга дуч келганини ёзиб, бу каби иморатларнинг машҳур Абдуллахон томонидан қурилгани тахмин қилинишини айтиб ўтганлиги диққатга сазовордир[18].

XIX асрнинг сўнгги чорагида Мирзачўл воҳаси ва унга яқин худудлар Чор Россияси таркибиغا ўтиб, бу ерлар империяга қарашли Туркистон генерал-губернаторлигига қарамоғига олингач, воҳага империянинг марказий худудларидан кўплаб славян халқлари – руслар, белоруслар, украинлар кўчириб келтирилиб, янги аҳоли масканлари ташкил этила бошлайди. Кўчириш сиёсати боғлиқ статистик маълумотлар Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича Чор Россиясининг Туркистондаги вакиллари турли режалар тузиб, воҳанинг аҳолиси нисбатан кам бўлган худудни ўзлаштириш орқали минтақада рус тилли аҳоли сонини ошириш мақсад қилиб олган. Мирзачўл воҳасидаги бир неча славян (рус, украин, белорус) аҳоли масканлари қад ростлаган. Мирзачўлда ташкил топган рус қишлоқлари, улардаги муаммолар ҳақидаги айrim маълумотлар князь В.И.Масальский асарида келтириб ўтилган бўлиб[19], улар асосида воҳа тарихининг айrim жиҳатларини ёритища муҳим манба вазифасини ўтайди. А. Кауфман Россия империясининг қарийб ярим асрлик - 1861–1904 йиллар оралиғидаги кўчирувчилик сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, янги кўчирилган аҳолининг маҳаллий муҳитга мослашуви, ташкил этилган дастлабки қишлоқларнинг хўжалиги, ижтимоий таркибида доир маълумотларни қараб чиқкан[20].

Шунингдек, совет даврида олиб борилган этнографик тадқиқотларда ҳам Нурота, Жиззах ва Тошкент воҳалари аҳолиси турмуш тарзига оид этнографик маълумотлар

йигилиши жараёнида Мирзачўл воҳаси билан боғлиқ материалларга ҳам эътибор қаратилган. Бу даврда таниқли этнографлардан В.Г. Мошкова, Б. Кармишева[21]асарларида у ёки бу даражада ўз аксини топган маълумотлар эса гарчи Мирзачўл воҳасига тўғридан-тўғри тегишли бўлмаса-да, воҳага туташ худудлар аҳолиси бўйича бирламчи материаллар бера олади.

Шу билан бирга, воҳа аҳолисининг майший турмуш тарзи ва қадимий удумлари билан боғлиқ маълумотларнинг тарихий илдизларини тадқиқ этишда ўрта асрларда яратилган форсий ва туркий тилли асарлардаги маълумотларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундай асарлардан бири Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари (XI аср) бўлиб, гарчи асарда ўрин олган маълумотлар туркий халқларнинг деярли брачаси учун хос бўлса-да, минтақадаги ўзбек, қозоқ, қирғиз каби туркий халқларнинг урф-одатлари ва улар билан боғлиқ атамаларнинг тарихий илдизларни кузатишда жараёнида ушбу асарга мурожаат қилиш зарурияти туғилади. Хусусан, Мирзачўл воҳаси ва унга кўшни худудлардаги аҳоли орасида сакланиб қолган турли хил урф-одатлар билан боғлиқ атамаларни таҳлил қилиш жараёнида “Девону луғати-т-турк”да ўрин олган маълумотларга бирламчи манбалар сифатида мурожаат қилинди.

**Хуллас**, Мирзачўл воҳаси аҳолисининг яқин ўтмишдаги тарихи, айниқса, аҳолининг этник таркиби, ижтимоий-майший ҳаёти, урф-одатлари ва анъаналарига доир маълумотлар минтақанинг бошқа бир қатор худудларига нисбатан бирмунча кам маълумотлар етиб келган. Шундай бўлишига қарамай, турли манбалардаги узуқ-юлуқ маълумотларни, хусусан, ёзма манба маълумотлари ва энографик материалларни ўзаро таққослаган ҳолда воҳа тарихининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш мумкин.

## REFERENCES

1. Қаландарова Ф. Бухоро тарихининг Мирзо Сомий асарларида ёритилиши // “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Б. 2020. – Б. 175-178.
2. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Ш. Воҳидов, тарих фанлари доктори Араб ёзувидан табдил: Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова. – Тошкент «Янги аср авлоди» 2008.
3. Мирзо Олим Мушриф. «Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин» («Қўқон хонлиги тарихи»). – Тошкент, 1995.
4. Муҳаммад Азиз Марғилоний. «Тарихи Азизий». – Тошкент, 1999.
5. Ўринбоев А, Бўриев О.. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. - Тошкент: Фан, 1983.
6. Бейсембиев Т. К. Тарих-и шахрухи - как исторический источник. - Алма-Ата, 1987.
7. Хуршут Э. «Мунтаҳаб ут-таворих» - важный источник по истории Средней Азии и сопредельных стран // Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 7.
8. Бабабеков Х.Н. Народные движения в Коқандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1990.
9. Турсунов Б. Қўқон хонлигига ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70- йилларигача). Тарих фан ном. дисс. Тошкент: Ўз ФА Тарих института, 2006.

10. Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳхожанинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тарих фан. номзоди. – Тошкент: Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ, 2007.
11. Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: Ўз ФА Тарих института, 2007.
12. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Ш. Воҳидов, тарих фанлари доктори Араб ёзувидан табдил: Ш. Воҳидов ва Р. Ҳолиқова. – Тошкент «Янги аср авлоди» 2008. – Б. 87.
13. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С.70-75.
14. Демезон П.И. Записки о Бухарском ханстве (Отчети П.И. Демезона и И.В. Ветковича). – М.: Наука, 1983. – С. 17-83.
15. Ханыков Н. Описания Бухарского ханства. – СПб., 1843.
16. Соловьев М.М. Ученая экспедиция в Бухару в 1841-1842 гг. при участии натуралиста А. Лемана. – М.-Л., 1939. – С. 16-18.
17. Гребенкин А. Д. Узбеки // Сборник. Русский Туркестан: Сборник ст. Вып. II. – Москва: Университет. 1872.– С. 106.
18. Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – Москва: “Географгиз”, 1953. – С. 17-31.; Федченко А.П. Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бегствах и памятниках Самарканда (с картой Зеравшанской долины) // Изв. о-ва любителей естествознания, антропологии и этнографии. Т. VIII. Вып. – Ташкент-Москва: 1870 – С. 130-131.
19. Соболев Л.Н. Географические и статистическая сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа// Зап. Рус. геогр. о-ва по отделению статистики / Т.IV. – СПб., 1874. – С. 713-714.
20. Хорошхин А.П. Кызыл-Кумский дневник. // Сборник статей, касающихся до(!) Туркестанского края. – СПб, 1876. – С. 400.
21. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Гребенкин А.Д. Таджики // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып.2. – М., 1872. – С.1–3.
22. Федченко А.П. Первый отчёт туркестанской учёной экспедиции // Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950. – С.65-66.
23. Федченко А.П. Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканда (с картой Зеравшанской долины) // Изв. о-ва любителей естествознания, антропологии и этнографии. Т. VIII. Вып. – Ташкент-Москва: 1870 – С. 130-131.
24. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. Кириш, инглиз тилидан қисқартирилган таржима, изоҳлар ва қўрсаткичлари муаллифи З. Сайдбобоев. – Т.: O‘zbekiston, 2019.
25. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари .., - Б. 172-173.
26. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари .., - Б.173.
27. Масальский В.И. Туркестанский край. Спб.: Изд. А.Ф.Девриена, 1913.

28. Кауфман А. Переселение и колонизация. Спб.: Типография товарищества “Общественная польза”, 1905.
29. Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // Материалы по археологии и этнографии Узбекистана: Труды института Истории и археологии АН УзССР. Т. 2. – Т., 1950. – С. 141-149;
30. Мошкова В.Г. Ковроделие узбеков племени туркмен // Ковры народов Средней Азии. – Т.:1977. – С. 69-77.